



“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Тошкент” Республика фонд биржаси
акциядорлик жамияти
Акциядорларнинг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши



Н. Хусанов
“30” апрел 2026 й. № _____
М.Ў.



“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”
Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
Директорининг биринчи ўринбосари



В. Пак
“25” май 2026 й. № Р0163-В
М.Ў.



АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
“Тошкент” Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти

Берилган идентификация рақами:	R	U	1	0	8	P	0	1	6	3	T	2
--------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги номинал қиймати 2 560 сўм бўлган 10 826 685 дона оддий акциялар.

Мазкур акциялар ёпик обуна усулида жойлаштирилади.


Акцияларнинг Мазкур чиқарилиши саккизинчи чиқарилишидир.

“Тошкент” РФБ АЖ акциядорларининг 2026-йил 30-апрелдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланган.

“Тошкент” РФБ АЖ акциядорларининг 2026-йил 30-апрелдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарorigа асосан.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй. + 998 71 267-18 -71, info@uzse.uz.

Эмитентнинг раҳбари: **Ф. Ташов**



Бош бухгалтер: **А. Боймухамедова**

Бош бухгалтер:
Мухр





“30” апрел 2026 й

1. Мазкур чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий

2. Мазкур акциялар чиқарилишининг шакли: хужжатсиз

3. Мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 2 560 сўм

4. Мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 10 826 685 дона.

5. Мазкур чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 27 716 313 600 сўм.

6. Мазкур чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- Акциядорлар қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Мазкур чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

"Тошкент" РФБ АЖ устави ва/ёки чиқариш тўғрисидаги қарор мазкур чиқарилишдаги акцияларни сотиб олишга нисбатан чекловлар мавжуд эмас.

Мазкур чиқарилишдаги акциялар "Тошкент" РФБ АЖ акциядори - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 65 000 000 000 сўм

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): 25 390 625 дона.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): Жамият томонидан илгари облигациялар жойлаштирилмаган.

11. Мазкур чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Мазкур чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

Мазкур чиқарилишдаги акциялар "Тошкент" РФБ АЖ акциядори - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади

11.2. Мазкур чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: Мазкур чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 90 кун ичида жойлаштирилади.

- Жойлаштиришни бошланиш санаси – мазкур акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кун.

- Жойлаштиришни тугатиш санаси – Мазкур чиқарилишнинг охириги акция жойлаштирилган куни ҳисобланиб, Мазкур сана акцияларни давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 90 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Мазкур чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Акциялар қимматли қоғозларнинг уюшмаган биржадан ташқари бозорида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштириш андеррайтерларни жалб қилмасдан амалга оширилади.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси тўғрисида маълумот:

- тўлиқ номи: "Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси" акциядорлик жамияти.

- жойлашган манзили ва почта манзили: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй.

- телефон: (71) 267-37-42

- электрон почта: info@deponent.uz

Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси тўғрисидаги маълумот:

- тўлиқ номи: Масъулияти чекланган жамият Инвестиция воситачиси "Tsiar Depo"

- жойлашган жойи ва почта манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Чуст кўчаси, 2А-уй.

- телефон: (71) 262-76-62, (71) 262-08-41

11.5. Мазкур чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Мазкур чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш кўзда тутилмаган.

11.6. Мазкур чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Акциялар номинал қийматида 2 560 сўм буйича жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Мазкур чиқарилишдаги акциялар учун тўлов "Тошкент" РФБ АЖ устав капиталига "Фонд бозори ахборот-ресурс маркази" МЧЖ устав капиталидаги 100 фоиз улушни баланс (қолдик) қийматида киритиш билан амалга оширилади.

Улушни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 декабрдаги "Капитал бозорида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-254-сон Фармониға мувофиқ амалга оширилади ва қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади..

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган, деб топилган тақдирда, эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда, Жамият томонидан мазкур ҳолат бўйича расмий тарзда оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz), Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) эълон қилинади.

Мазкур акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда тўлов сифатида қабул қилинган тўлов воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида 10 кун ичида қайтарилади.


12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (кўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот Мазкур чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Корпоратив ахборотнинг ягона порталида (www.openinfo.uz) ва жамият расмий веб-сайтида (www.uzse.uz) эълон қилинади.

Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор асли билан Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй манзили буйича танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар. Кўзда тутилмаган.

**ПРОУМЕРОВАНО И ПРОШНУРОВАНО
4 (ЧЕТЫРЕ) ЛИСТОВ**

**Ф. ТАШОВ
ВР.И.О ПРЕДСЕДЕЛЯ ПРАВЛЕНИЯ
ГЛАВНОЙ БУХГАЛТЕР
А. БОЙМУХАМЕДОВА**



14-50-007 (11) 13-01-2011

14-50-007 (11) 13-01-2011

14-50-007 (11) 13-01-2011